Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 21 апрель ● сешанба ● № 16 (633) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru ● www.minjust.uz

Ҳуқуқий тарғибот адлия фаолиятининг асоси

ОНА ТАБИАТ... Унинг битмас-туганмас саховати қаршисида соғлом фикрли инсон борки, албатта, бош эгади. Зотан, фаровон турмушимиз, фароғатли ҳаётимизнинг беминнат таъминотчиси айнан она табиат эканидан ҳеч биримиз кўз юмолмаймиз. Бироқ, беҳисоб табиий бойликлар манбаи — теварагимизни ўраб турган соҳир хилқатни асраб-авайлаш, унинг неъматларидан оқилона фойдаланишдек оддий тамойилларга амал қилаяпмизми? Она табиат олдидаги фарзандлик бурчимизни тўкис адо этаяпмизми?

Эртага — Халқаро оламни асраш куни

Табиат инсон ҳукмронлигини ёқтирмайди

Экологик хавф бизни ҳамиша огоҳликка, сергакликка ундамоқда

АЙТИШ ЖОИЗКИ, истиқлол йилларида мамлакатимизда табиатга муносабат тубдан ўзгарди. Чунончи, атроф-муҳит муҳофазасининг ҳуқуқий-норматив мезони яратилди. Бу борада 1992 йил 9 декабрдаги **"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги, 1996 йил 27 декабрдаги **"Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги, 1997 йил 26 декабрдаги **"Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"**ги, **"Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"**ги қонунларнинг қабул қилиниши собиқ шўролар тузуми даврида шаклланган бепарволик, лоқайдлик сингари иллатларга бирмунча барҳам берди. Ҳа, ўша кезларда "истеъмолчилик концепцияси" халқимизнинг қон-қонига сингиб кетганди. Аниқроқ айтганда, табиат неъматлари беҳисоб, инсон ундан истаганча фойдаланишга ҳақли, деган ақидага амал қилганимиз оқибатида Орол фожиаси рўй берди. Бинобарин, саноат ва халқ хўжалигини "жадал суратларда ривожлантириш" борасида табиат имкониятлари ва қонуниятларини ҳисобга олмаслик, ер ости бойликлари, ер, сув, ўрмон захираларидан фойдаланишдаги суиистеъмолликлар қандай оқибатларга олиб келганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз.

Бепарволигимиз, лоқайдлигимиз оқибатида ўрмон ва дарахтзорлар майдони тобора қисқариб, озон қатламининг емирилиши кун сайин ортиб бораётир. Завод ва фабрикаларнинг заҳарли чиқиндилари таъсирида ёғаётган кислотали ёмғирлар эса машаққатли меҳнат эвазига барпо этилган бино ва иншоотлар емирилишига сабаб бўлмоқда. Кейинги ўн йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"га киритилган ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турлари сони 163 тадан 305 турга етди. Ўрмон ва дарахтзорларнинг 32 фоизи йўқолиб кетди. Кислород манбаи — ўрмон ва дарахтзорлар, ўсимликларнинг бу тарзда йўқолиб бориши атроф-муҳит софлигига жиддий путур етказади. Шунингдек, 1981 йилда чоп этилган "Қизил китоб"га 161 турдаги ҳайвонлар киритилган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 184 турни ташкил этган. Нечоғлик аччиқ бўлса-да, ҳақиқатни тан олиш жоиз: Сизу бизнинг бепарволигимиз, лоқайдлигимиз туфайли содир бўлаётган бундай ҳалокатлар оқибатида табиатдаги узвий мувозанат издан чиқади.

4

TURON BANK

Фаол тарғибот

Қонун устуворлигини таъминлаш

ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг муҳим омили

АҲОЛИНИНГ ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тўлақонли ҳимоя этилишига хизмат қилади.

ШУ МАҚСАДДА адлия органлари ва муассасалари аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот чора-тадбирларининг самарадорлигига эришиш ва таъсирчанлигини кучайтириш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқдалар. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ишлари аниқ режалар асосида ташкил қилинмоқда.

Қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш ва уларнинг туб моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, аҳолининг ҳуқуқий тафаккурини ривожлантириш мақсадида адлия органлари ва муассасалари томонидан 2008 йилнинг I чораги давомида **11 минг**дан зиёд ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилган бўлса, жорий йилнинг 1 чорагида **14 минг**дан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Ҳуқуқий тарғибот тадбирларини амалга оширишда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари ёрдамидан кенг фойдаланилди. Натижада ушбу тадбирларнинг **2179** таси оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилди.

Шунингдек, **4164** маротаба давра суҳбати, **1015** маротаба семинар, **40** маротаба илмий-амалий конференция, **3524** маротаба учрашув шаклида **8743** маротаба оғзаки ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди. Бундай тадбирларнинг қарийб 70 фоизи мамлакатимизнинг туман ва қишлоқ жойларидаги маҳаллаларда, коллежлар ва академик лицейларда, мактаб ва бошқа таълим муассасаларида амалга оширилди.

Икки юзга яқин дарсликлар, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар ҳамда бошқа материаллар кўплаб нусхаларда чоп этилиши баробарида ҳуқуқий тарғибот ишларини кўргазмали қуроллар ёрдамида олиб боришга ҳам алоҳида эътибор берилиб, **уч мингга** яқин плакат ва буклетлар **11215** нусхада тайёрланди.

Олиб борилган ҳуқуқий тарғибот ишларида Конституциямизни чуқур ўрганиш, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан, хотин-қизлар ҳамда вояга етмаганлар ҳуқуқлари ҳимояси, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашни кучайтириш, амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш йўналишлари қамраб олинган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислоҳотларнинг асл мақсадини инсон манфаатлари ташкил этади. Шу йўналишда **"Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари", "Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият", "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 60 ёшда"** ва бошқа мавзуларда **6,5 минг** тарғибот тадбирлари олиб борилди.

2

Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар

Ўзбекистон ва жаҳон

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг янги "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари хорижий мамлакатлар эксперт-таҳлилий ва илмий-тадқиқот доираларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Иқтисодий ривожланиш тажрибаси

теран ўрганишга муносиб

ХИТОЙ ижтимоий фанлар академияси (ИФА)нинг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий инқирози таъсирини камайтириш борасидаги тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш мақсадида Президент Ислом Каримовнинг асарини хитой тилига таржима қилиб, нашрдан чиқарди.

Шу муносабат билан **ХХР ИФАнинг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори Син Гуанчэн** асар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирар экан, ислоҳотлар ва ривожланишнинг ўзбек модели Ўзбекистоннинг узоқ ва давомли миллий манфаатлар ҳамда мақсадларини ўзида мужассам этганини таъкидлади. Ўзбекистон маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтишда тадрижий ёндашувни танлади. Ўзбекистоннинг "шок терапияси" усулини рад этгани мамлакат ҳукуматининг оқилона қарори бўлганлигига бугун бир қанча мисоллар келтириш мумкин. Ислоҳотларни секин-асталик билан ва босқичма-босқич амалга ошириш модели мамлакат иқтисодиётини тиклашга хизмат қилди. Президент Ислом Каримовнинг "Янги уйни қурмай туриб эскисини бузманг" тамойили таянч хусусиятига эга бўлиб, ҳозиргача амал қилиб келмоқда. Истиқлолнинг илк даврида давлатнинг бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олишига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Президенти жаҳон молиявий инқирози даври ва ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, унинг тарқалиши сабабларини аниқ таҳлил этади, шунингдек, инқирознинг халқаро ҳамжамиятнинг ажралмас таркибий қисми бўлган Ўзбекистонга таъсири мамлакат иқтисодиётининг самарадорлиги ва ривожланишида ўз аксини топишини айтиб ўтади.

Ўйлайманки, Ўзбекистон Президенти томонидан белгиланган иқтисодий ислоҳотларни ўзига хос модел асосида амалга оширишга йўналтирилган беш тамойил мамлакатнинг молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф этишида муҳим аҳамият касб этади ва ҳаётий кучга эга. Ўзбекистон раҳбари инқирозга қарши бир қатор дадил тадбирларни, хусусан, саноатни модернизация қилиш, технологик янгилаш ва инновацион технологиялар масалаларини ўртага ташлайди. Шунингдек, Ислом Каримов 2009 йилда жаҳон молиявий инқирозини бартараф этиш ва навбатдаги ривожланиш босқичига ўтиш бўйича 6 та устувор вазифаларни белгилаб қўйди.

Калькутта шаҳар савдо-саноат палатасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг **"Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари"** китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда Ғарбий Бенгалия штатининг ижтимоий-сиёсий, академик, ишбилармон доиралари, хорижий давлатлар дипломатия миссиялари вакиллари, маҳаллий ва миллий оммавий ахборот воситалари журналистлари иштирок этишди.

Учрашув қатнашчилари Ўзбекистон Президенти асарини юқори баҳолашди. Жумладан, **Калькутта шаҳри савдо-саноат палатаси президенти Апунам Шоҳ** иқтисодиётни босқичма-босқич ислоҳ қилиш ва уни диверфикация қилишга асосланган ривожланишнинг ўзбек модели кўплаб мамлакатларга салбий таъсир кўрсатаётган жаҳон молиявий инқирози шароитида ўзини оқлаганини таъкидлади.

— Президент Ислом Каримовнинг китоби Ўзбекистон раҳбарининг дунё молиявий-иқтисодий соҳасида кечаётган мураккаб жараёнларнинг моҳиятини теран ва ҳар томонлама ҳис қилишини кўрсатади, - дейди А. Шоҳ. — Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг сўнгги йилларда эришилган юқори суръатларини сақлаб қолиш учун барча зарур чоралар қабул қилинмоқда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги тадбирлар давом этмоқда. Ўзбекистон Президентининг китоби фавқулодда ибратли асардир ва мен ўйлайманки, унда кўрсатилган инқирозни бартараф этиш бўйича чораларни Ҳиндистон шароитида ҳам қўллаш мумкин ва лозим.

Тақдимотда иштирок этган **Миср араб давлатининг Ҳиндистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Хигазий** ҳам ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

2

МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА

Тергов бўлимига юборилди

ҚАШҚАДАРЁ вилояти прокуратураси томонидан Китоб тумани "Юлдуз" фермер хўжалиги бошлиғи Я.Бобоқулованинг фермер хўжалиги ер майдонлари ноқонуний равишда олиб қўйилганлиги ҳақидаги аризаси ўрганиб чиқилди.

АНИҚЛАНИШИЧА, "Юлдуз" фермер хўжалиги бошлиғи Я.Бобоқулованинг аризасига асосан туман ҳокимининг 2008 йил 4 ноябрдаги қарори билан фермер хўжалигининг 10,1 гектар ер майдонлари туман ҳокимлиги захира ер ҳисобига қайтарилган.

Суд хатшунослик экспертизаси хулосасида Китоб тумани ҳокимининг юқорида қайд этилган қарорига асос қилиб олинган аризадаги ёзувлар ва имзо Я.Бобоқулова томонидан бажарилмаганлиги қайд этилганлиги боис, "Юлдуз" фермер хўжалиги ер майдонларини туман ҳокимлиги захира ер ҳисобига қайтариш ҳақидаги туман ҳокимининг қарорини бекор қилиш ҳақида Китоб тумани прокуратураси томонидан 2009 йил 24 мартда протест келтирилди.

Шунингдек, "Юлдуз" фермер хўжалиги бошлиғи Я.Бобоқулованинг ёзувлари ва имзоси қалбакилаштирилганлиги ҳолати юзасидан тўпланган ҳужжатлар терговолди текшириш ўтказишлик учун тегишлилигига кўра Китоб тумани ИИБ ТБга юборилди.

М.АЗИМОВ,
Қашқадарё вилояти прокурорининг ўринбосари

"ЎЗПАХТАСАНОАТ" уюшмаси томонидан Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги "Шерабод" фермер хўжалиги раҳбари Аваз Эшбоевнинг таҳririятга йўллаган шикояти ўрганиб чиқилди.

Ҳисоб-китоб қилинди

"СИРДАРЁПАХТАСАНОАТ" ҳудудий акциядорлик бирлашмасига тегишли кўрсатма берилиб, ижроси таъминланганлиги ҳақида жавоб хати олинди. Унга кўра, кўрсатилган транспорт хизмати бўйича юзага келган 1 200 000 сўм қарздорлик "Шерабод" фермер хўжалиги билан ўзаро тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган.

М.БОБОЖОНОВ,
Ўзбекистон пахта саноати уюшмаси бошқарув раисининг ўринбосари

Иқтисодий ривожланиш тажрибаси

теран ўрганишга муносиб

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

— Ўзбекистон эришган иқтисодий муваффақиятлар менда катта қизиқиш уйғотди. Ўз вақтида амалга оширилган чора-тадбирлар эвазига мамлакат иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини сақлаб келмоқда. Президент Ислом Каримов асарида Ўзбекистон раҳбарининг ўз халқи ва мамлакати тақдири учун нақадар жонкуяр эканлиги ўз аксини топган. Бу эса одамларда ўзига ишонч пайдо қилади, ўз оиласи ва мамлакатининг гуллаб-яшнаши, фаровонлигини ошириш мақсадидаги меҳнатининг янада унумдор бўлишига илҳом бахш этади", — дейди Муҳаммад Хигазий.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг янги **"Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари"** асарининг тақдимоти Қувайт давлатининг "Gulf University" олий ўқув юртида ҳам бўлиб ўтди.

Жаҳон молиявий инқирози ва унинг Қувайт иқтисодётига таъсири турли доираларда қизғин баҳсларга сабаб бўлмоқда. Бу эса Қувайтнинг барча фуқароларини ташвишга солмоқда. Ҳозирги кунда мамлакат бўйлаб инқирозга бағишланган форумлар, анжуман ва турли хил мутахассислар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Ушбу тадбирлар сирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг янги китоби катта қизиқиш уйғотди.

Тақдимотда иштирок этган сиёсатшунослар, иқтисодиёт, молия соҳалари олимлари ва талабалар асарнинг моҳияти билан танишдилар ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Қувайт ишбилармон доирасининг таниқли вакили Муҳсин Абд ал Раҳмоннинг таъкидлашича, "биргина "Ёшлар йили" доирасида ва инқироз олди даврида кенг кўламли лойиҳаларнинг амалга оширилиши мамлакат ички сиёсатида ижтимоий секторнинг устуворлиги, Президентнинг молия ва иқтисод соҳасида улкан тажрибага эга ҳамда вазиятни таҳлил қилиш ва мураккаб ҳолатдан чиқиш йўлларини топиш қобилиятлари эгаси эканлигидан далолатдир.

Ўзбекистонда Инқирозга қарши чоралар дастурининг ишлаб чиқилиши мамлакат раҳбарияти иқтисодий ва молиявий сиёсатининг мантиқий давоми бўлиб, келгусида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни ифодалайди. Дастурни, моҳиятига кўра жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози гирдобига тушиб қолган бошқа мамлакатлар иқтисодиётига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида оқилона ва ҳар томонлама ўйланган сиёсат олиб борилиши ҳамда қабул қилинган мақсадли чоралар натижасида Ўзбекистон инқирозни ва унинг оқибатларини бартараф этишига ҳеч қандай шубҳа йўқ".

"Жаҳон" АА

Қонун устуворлигини таъминлаш

ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг муҳим омили

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Маълумки, бугунги кунда дунё жамоатчилигини ташвишга солаётган одам савдоси ва унинг оқибатларини бартараф этиш глобал муаммолардан бири саналади. Трансмиллий жиноятлар сирасига кирувчи бу иллатнинг олдини олишда тарғибот тадбирлари алоҳида ўрин тутади, албатта. Адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги **"Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори ва шу йўналишдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш бўйича 2009 йилга мўлжалланган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари режасида белгиланган вазифалар ижроси таъминланмоқда.

Ушбу мавзуга бағишланган тадбирларда кенг оммага одам савдоси, унинг салбий оқибатларини акс эттирувчи плакат ва буклетлар тарқатиш орқали уларнинг бу ҳақдаги тасаввурларини тўлдиришга интиляпмиз. Шу ўринда жорий йилнинг январь-март ойлари давомида адлия органлари ва муассасалари томонидан одам савдосига қарши курашиш ва унинг оқибатларини кенг халқ оммасига тушунтириш юзасидан **863** маротаба ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил қилинганлигини қайд этиш жоиз.

Адлия вазирлиги томонидан **"Одам савдоси билан шуғулланиш – жиноят!"**, **"Бола ҳуқуқлари – давлат ҳимоясида"** номли буклетлар тайёрланиб, аҳоли ўртасида тарқатилди. Бундан ташқари, **"Одам савдоси – глобал муаммо"**, **"Одам савдосига қарши курашиш – давр талаби"**, **"Биз ёшлар одам савдосига қаршимиз"**, **"Одам савдосини бартараф қилиш ва унинг олдини олиш"** мавзуларида бир қатор семинарлар ҳамда давра суҳбатлари ўтказилди.

Тошкент юридик коллежи ва Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицей томонидан **"Одобнома"** дарслари доирасида одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича ўқув-машғулотлари жорий қилинганлиги ўсмир-ёшларнинг бу борадаги тўғри тушунча ва тасаввурларини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатаётир. Ўқувчиларга Ахборот-ресурс марказида одам савдосига қарши курашиш мавзуидаги методик қўлланмалар, деворий газета ва слайдлардан фойдаланиш имконияти яратилган.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида таҳсил олаётган тингловчилар учун етук мутахассислар ҳам ушбу мавзуга оид махсус ўқув-машғулотлари олиб бормоқдалар. Хорижий мамлакатларга ишлаш, дам олиш каби мақсадларда чиқаётган фуқароларга **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан танишиш имконияти яратилди.

Тарғибот тадбирларида хотин-қизлар ҳуқуқларини тушунтириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада жорий йилнинг 1-чораги давомида адлия органлари ва муассасалари томонидан **2352** маротаба ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил қилинган. Хотин-қизлар билан **"Қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари"**, **"Тиббий кўрикнинг моҳияти, соғлом авлод — юрт таянчи"**, **"Оталикни белгилаш ва оилаларда ажралишларнинг олдини олиш"** сингари мавзуларда ўтказилган давра суҳбатлари, учрашув ва мулоқотлардан ташқари **"Никоҳ, оила ва жамият"**, **"Аёлларга берилган имтиёзлар"**, **"Аёл ва ҳуқуқ"**, **"Оила жамиятнинг асосий негизи"**, **"Ажримларнинг олдини олинг"**, **"Тиббий кўрик – давр талаби"**, **"Хотин-қизларга бериладиган имтиёзлар"** ва бошқа мавзуларда марказий ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали уч юздан ортиқ тарғибот ишлари амалга оширилди.

Шу йилнинг март ойида Адлия вазирлигида бўлиб ўтган **"Бола ҳуқуқлари – давлат ҳимоясида"** мавзуидаги илмий-амалий конференцияда инсон ҳуқуқларининг ажралмас бўлаги сифатида бола ҳуқуқларига оид тарғибот ишлари кўламини янада кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, Президентимизнинг 2008 йил 18 июндаги **"Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида"**ги Қарорини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Миллий Ахборот агентлиги билан ҳамкорликда тузилган идоралараро ишчи гуруҳи махсус ҳамкорлик режаси асосида кенг фаолият юритмоқда.

Республикамизнинг барча ҳудудларида мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ўтказилган **"Яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш – туғма ва ирсий касалликлар ўчоғидир"**, **"Туғма нуқсонлари бўлган болалар туғилишининг олдини олиш"**, **"Тиббий генетик маслаҳатлар – саломатлик гарови"**, **"Туғма ва ирсий касалликлар профилактикаси"**, **"Эрта никоҳнинг зарарли оқибатлари"** мавзуларидаги семинар-тренинглар Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идоралари ходимлари, журналистлар, ўқитувчилар ва бошқа мутахассисларнинг билимларини оширишда ўзига хос аҳамият касб этди, дейиш мумкин.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини янада ривожлантириш мақсадида Адлия вазирлиги билан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ўртасида талаба ва ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир 2009 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастурларига асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан – **372**, Халқ таълими вазирлиги билан – **784** маротаба тадбирлар ўтказилди.

Жойларда олиб борилган семинар-тренингларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Миллий Ахборот агентлигининг ҳудудий бўлимлари мутахассислари ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Адлия вазирлиги, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Адвокатлар Палатаси томонидан **"Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал, Жиноят ижроия ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш бўйича 2009 йилга мўлжалланган ҳамкорлик режаси ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Шунингдек, адлия идоралари томонидан ушбу Қонун тарғиботига оид алоҳида режа асосида Оммавий ахборот воситалари орқали ҳамда меҳнат жамоалари, маҳаллалар, таълим муассасаларида, айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида олиб борилаётган кенг кўламли ҳуқуқий тарғибот ишлари йўлга қўйилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги **"Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ижроси юзасидан Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамкорлигида махсус жадвал асосида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда мунтазам равишда ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил қилиняпти. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилари, посбонлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам иштирок этаётган бундай тадбирлар аҳолининг экинлар пайҳон қилинишига нисбатан бефарқ бўлмаслик ҳиссини уйғотаётганлиги билан ҳам таъсирлидир.

Адлия вазирлиги томонидан Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастурига мувофиқ қишлоқ аҳолиси ва ёшлари ўртасида ўтказилаётган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ҳам аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишда катта аҳамият касб этмоқда.

Умуман, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ишларини самарали ташкил этишда Адлия вазирлиги билан Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Меморандумлар жуда муҳим ўрин тутмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг ҳуқуқий билимларни нафақат билиши, балки бу билимларни ўз ҳаётига татбиқ этиш тарғибот ишларининг ўзига хос самарасини ҳам ифодалайди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, **"Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш кўп жиҳатдан янгича ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ"**.

Мустақил юртимиз аҳолисининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга эришиш бу интилиш ва саъй-ҳаракатлардан кузатилган эзгу мақсадимиздир. Қонун устуворлиги таъминланган жамиятда эса тараққиёт, фаровонлик истиқболлари ёрқин намоён бўлаверади.

Абдукамол РАҲМОНОВ,
Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи

Тадбир

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ташаббуси билан вазирликда "Суд экспертизанинг замонавий имкониятлари, унинг одил судловни таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд экспертиза марказининг маъсул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Суд экспертиза

Одил судловни таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти

АНЖУМАНДА Республика суд экспертиза марказининг асосий вазифалари, унинг одил судловни таъминлашдаги ўрни ва замонавий имкониятлари тўғрисида, шунингдек, суд экспертиза соҳасидаги етакчи мутахассислар ахборотлари тингланди.

Суд экспертиза марказида махсус билимлар асосида суд иқтисодий, суд биологик, суд фонография, одам генетикаси каби 54 турдаги эксперт тадқиқотлари ўтказилади. Хусусан, ДНК экспертизаси қотиллик, босқинчилик, терроризм каби жиноятларни очишда муҳим ўрин тутади. Суд фонография экспертизаси эса гиёҳванд воситалар ва порахўрлик билан боғлиқ жиноятларни фош этишда ёрдам беради.

Бугунги кунда марказ ва унинг ҳудудий бўлимлари экспертлари томонидан тергов идоралари ва судларга кўрсатаётган ёрдами кўплаб оғир жиноятларни очиш, муаммоли низоларни одилона ҳал қилишда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Қизғин ўтган мулоқот чоғида ОАВ ходимларига суд экспертизасининг турли йўналишлари бўйича батафсил маълумотлар берилди. Шунингдек, мазкур матбуот анжуманида суд экспертиза хизматини тарғиб этиш ва кенг жамоатчиликка унинг туб моҳиятини ва мақсадларини етказишда ОАВдан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги танқид остига олинди ҳамда бу борадаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Таҳлил

Фуқаролар мурожаатлари

масъулиятли ёндашувни талаб этади

ҲАР ҚАНДАЙ мамлакатнинг демократик хусусиятларини кўрсатувчи шартлардан бири инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қандай ёндошганлиги ҳамда унинг амалга ошиши учун қандай шарт-шароитлар яратилганлигида намоён бўлади. Фуқароларнинг асосий ҳуқуқларидан бири — бу давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқларидир. Ўзбекистон Республикасида давлат органлари томонидан фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, мустақиллик йилларида фуқаролар мурожаатлари ҳимояси йўлида хизмат қиладиган кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Конституциясининг 35-моддасида: **"Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки ҳалқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва ишкоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт"** деб белгиланган. Бу қоида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари барча ҳуқуқий воситалар билан ҳимоя қилинишини таъминлаш мажбуриятини мустаҳкамлайди.

Фуқароларимиз ариза, таклиф, шикоят ва бошқа турдаги маълумотлар орқали шахсий эҳтиёжларини қондириши билан бирга жамият ҳаётига дахлдор бўлган масалаларни мутасадди ташкилотларга ўз вақтида билдириб туради. Шунинг учун фуқаролардан келаётган барча турдаги хатлар мутасадди ташкилотлар ва уларнинг ходимлари томонидан ўз вақтида кўриб чиқилиши, ўрганилиши лозим.

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунда фуқаролар давлат идораларига оғзаки ёки ёзма шаклда ариза, шикоят ва таклиф билан мурожаат этишлари мумкинлиги ҳамда уларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари бир хил аҳамиятга эга эканлиги қайд қилинган.

Мурожаатларда фуқаронинг ўзи ҳақидаги маълумотлар, ариза, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак. Ушбу маълумотлар кўрсатилмаган, шунингдек, муаллиф имзоси қўйилмаган ёзма мурожаатлар аноним ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

2008 йилда адлия органлари томонидан жами 20 минг 700 дан ортиқ мурожаатлар кўриб чиқилди. Жумладан, 2 минг 931 нафар фуқаронинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни сўраб ёзган мурожаатлари қаноатлантирилди. Бу борада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида тегишли ташкилот ва муассасаларга 871 та тақдимнома киритилган бўлиб, 810 та тақдимноманинг ижроси таъминланди. Бундан ташқари, давлат бошқарув органлари, ташкилот ва муассасаларнинг 223 та ҳужжатлари ижроси бекор қилиниб, 1120 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки, қонунда фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқлари билан биргаликда, жавобгарлик масалалари ҳам ўз аксини топган. Яъни фуқаронинг туҳмат ва ҳақоратдан иборат ариза, таклиф ва шикоят берганлиги Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40, 41-моддаларига ҳамда Жиноят кодексининг 139, 140 ва 158-моддаларига асосан белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Бундан ташқари, била туриб сохта маълумотлар баён этилган мурожаатларни текшириш муносабати билан давлат органи томонидан сарф қилинган харажатлар фуқародан суднинг қарорига биноан ундириб олиниши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролар мурожаатларига оид миллий қонунчилигимиз фуқароларнинг ихтиёрийлик асосида ҳар қандай давлат органига мурожаат этиш ҳуқуқларини кафолатлайди ҳамда фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини эркин амалга оширишларини таъминлайди.

Ахрор ТУРСУНОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Трансмиллий жиноят

Одам савдоси

халқаро миқёсдаги ҳуқуқбузарлик

Инсон ҳаёти, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат ва жамият томонидан қўриқланадиган олий қадрият ҳисобланади. Таассуфлар бўлсинки, инсон ҳуқуқлари устуворлиги умумжаҳон миқёсида эътироф этилган XXI асрда, заминимизнинг айрим бурчакларида инсонларга хос бўлмаган шафқатсиз ва ғайриинсоний қилмишлар – одамларга маҳсулотдек муносабатда бўлиш, бир сўз билан айтганда, қулчилик муносабатлари учраб туради.



Одам савдосига қарши курашда Халқаро миграция ташкилоти 1944 йилдан буён халқаро миқёсда фаолият олиб бормоқда. Ушбу фаолият натижаларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

— 400 дан ортиқ ҳукумат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилганлиги ва техник ҳамкорлик ривожи;

— 15 000 га яқин одам савдосидан жабр кўрган инсонларга ёрдам кўрсатилганлиги;

— 85 дан ортиқ давлатда одам савдосига қарши лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинганлиги.

Одам савдоси жиноятининг ўсиши халқаро миқёсда ташкил этилган жиноятчиликнинг ўсиши билан бевосита боғлиқ. Бу жиноят билан шуғулланувчилар бир неча йил ичида тарқоқ ҳолдаги кичик жиноий гуруҳлардан халқаро миқёсдаги йирик жиноий уюшмаларга айланишга улгурди. Одатда, одам савдоси билан шуғулланувчилар чет элга ишчи кучи юборувчи ташкилотлар ниқоби остида фаолият юритишади. Улар чет элга талабалик, сайёҳлик ва бошқа турли визалар билан чиқармоқчи бўлишади.

Одамлардан ноқонуний фойдаланиш, уларнинг ғайриқонуний миграцияси ва одамлар савдосига қарши курашиш бир нечта давлат органларининг ҳамкорликдаги ҳаракатини талаб қилади. Энг аввало, ушбу йўналишда фаолият кўрсатувчи давлат органлари ҳамда уларнинг ваколатларини аниқлаб олиш зарур.

Мутахассисларнинг фикрича, одам савдоси терроризм билан боғлиқ бўлиб, ундан келадиган даромад терроризмнинг иқтисодий асосини ташкил этмоқда. Халқаро ҳужжатларда одам савдоси тушунчасининг моҳиятини ёритиб бериш учун инглизча "trafficking" сўзи ишлатилиб, бу сўз қуллар, наркотик моддалар савдоси, шунингдек, умуман ноқонуний савдо маъносини англатади.

Одам савдосига бир қатор омиллар сабаб бўлмоқда. Масалан, инсонларнинг ношукрлиги, борига қаноат қилмай ўзини ўққа-чўққа уриб, кези келса, ишлаш учун чет элга кетиши, ноқонуний "туризм", "никоҳ агентликлари" шулар жумласидандир. Айниқса, оиласида қадр топа олмай, арзимаган нарсадан муаммо ясаб ёки келажакда бой ва бахтли ҳаётга интилган кўпчилик аёллар жабрланувчилар сафига кириб қолаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият ҳисобланганлиги боис, одамлардан қонунга хилоф тарзда фойдаланишга, уларнинг ғайриқонуний миграцияси ва савдосига қарши кураш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кўрилган чора-тадбирлар ички ишлар органларининг одамлар савдосидек мудҳиш жиноятга қарши курашиш борасидаги фаолиятини янада кучайтириб, асосий эътибор жиноий ҳаракатларнинг олдини олишга қаратиляпти.

Одам савдоси бугунги маърифий дунёнинг ҳеч бир қоидасига мос келмайдиган, инсонийлик доирасидан ташқарида бўлган мудҳиш, тубан ва жирканч қилмишдир. Инчунун, бундай қилмишлар инсониятнинг фожиаси ва тамаддуннинг инқирозидир.

Фарҳод ТАХИРОВ,
юридик фанлари доктори, профессор

Назорат

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар экспертизаси

адлия органлари зиммасида

ЖАМИЯТНИ демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилиш жараёнида қонунчилик базасини такомиллаштириш, бу борада қонун ҳужжатларини қабул қилишга ваколатли давлат органлари ва бошқа идораларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштиришга республикамизда алоҳида эътибор қаратилмоқда.

БУ ЭСА ДАВЛАТ бошқаруви органлари қаторида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳам ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг самарали ташкил этилишига, улар томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати яхшиланишига ва қонунчилик техникаси талабларига тўлиқ жавоб беришига хизмат қилади.

Маълумки, **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг** 104-моддаси, **"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"**ги Қонуннинг 6-моддаси ҳамда **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"**ги Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шартлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси адлия бошқармалари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли таҳлил этиш, янгиланаётган ва янги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қай даражада амалга оширилаётганлиги устидан доимий назорат олиб бориш вазифалари ҳам адлия органлари зиммасига юклатилган.

Буни Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси фаолияти мисолида кўрадиган бўлсак, 2008 йилда 20 та ва 2009 йилнинг 1-чорагида 17 та қарор лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Бундан ташқари, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисоби ҳам олиб борилмоқда. Жумладан, Иқтисодиёт, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда Давлат солиқ бошқармалари ва унинг тизимига кирувчи туман ва шаҳар бўлимларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш масаласи ўрганилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан 30 дан ортиқ тақдимнома ва кўрсатмалар киритилди.

Адлия вазири томонидан жорий йилда тасдиқланган "Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва қабул қилиш, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат ҳисобини юритиш ишлари юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда ҳудудий адлия бошқармаларида ўтказиладиган ўқув-машғулотлари режаси"га асосан яқинда вилоят ҳокимлигида вазирлик ходимлари иштирокида ўқув-семинар ўтказилди.

Мақсад, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек, норматив хусусиятга эга бўлган қарорлар лойиҳаларини адлия органларида юридик экспертизадан ўтказиш соҳасидаги муаммолар ечимини ёритишга қаратилди. Зеро, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тайёрланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг Конституцияга, қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларига тўла мувофиқлиги, ҳар томонлама мукаммаллиги, юридик техник жиҳатдан расмийлаштирилиши ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг самарадорлигини таъминлайди.

Шодибек МАМАТОВ,
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

23 апрель – Халқаро китоб ва муаллифлик куни

«Жаҳон китоб пойтахти»

мақоми қайси шаҳарга берилади?

2005 ЙИЛ 19 апрель куни Ўзбекистонда илмий ва бадиий асарларни ҳимоя қилиш ҳақидаги Берн Конвенцияси кучга кирди. Мазкур Конвенция, аслида, 1886 йилда қабул қилинган бўлиб, у муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясига қаратилган биринчи ҳалқаро хужжат ҳисобланади. Ҳозирги пайтда дунё бўйича 170 дан ортиқ давлат ушбу Конвенцияга аъзодир.

23 АПРЕЛЬ — ЮНЕСКО томонидан 1996 йилда **Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқи куни,** деб эълон қилинган бўлиб, бу байрамни ўтказишдан мақсад, дунё тараққиётида муаллиф ва муаллифлик ҳуқуқи масалаларига жамоатчилик эътиборини қаратиш, ҳуқуқий адабиётлар яратилишида кўмаклашиш, маҳаллий аҳолини халқаро конвенциялар билан таништириш, муаллифлик ҳуқуқига оид тадбирлар ўтказишдан иборатдир.

Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқи кунининг бир санада нишонланишининг ҳам ўзига хос рамзий маъноси бор. Чунки китоб муаллиф ижодининг маҳсулидир. Ҳар йили шу куни дунё мамлакатларидан бирига **Жаҳон китоб пойтахти** мақоми берилади. Бу йил эстафетани Байрут қабул қилиб олади.

Ўзбекистон мустақиллик туфайли жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва юксак мақомига эга бўлди. 1996 йил 23 апрель куни ЮНЕСКО қарори билан Парижда **"Темурийлар даврининг цивилизацияга қўшган ҳиссаси"** мавзуидаги халқаро анжуманнинг ўтказилиши нафақат Ўзбекистон, балки дунё миқёсидаги эътиборли воқеадир.

Ҳар йили 26 апрель куни яна бир сана кенг нишонланади. 1970 йилнинг ҳудди шу куни **Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги Конвенция** кучга кирган. БИМТнинг асосий вазифаси мамлакатлар ўртасида интеллектуал мулкни ҳимоя қилишни мувофиқлаштириш ва бу борадаги турли халқаро шартномаларнинг маъмурий бошқарувини таъминлашдан иборат.

Ҳозир интеллектуал мулк соҳаси кўплаб мамлакатлар иқтисодиётининг муҳим қисмига айланиб бормоқда. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, ривожланган давлатларда муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси билан боғлиқ фаолият орқали тушадиган даромад ялпи миллий маҳсулотнинг 5-12 фоизини ташкил этади. Шунинг учун интеллектуал мулк ҳимоясини ривожлантириш, контрафакцияга қарши курашни кучайтириш долзарб аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. 2006 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг **"Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"**ги Қонуни фан, адабиёт ва санъат асарларини (муаллифлик ҳуқуқи), ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришларини (турдош ҳуқуқлар) яратиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.

Мазкур Қонунга мувофиқ 2007 йил 8 январда Вазирлар Маҳкамасининг **"Муаллифлик ҳақи ва бошқа ҳақ тўлаш турлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида"**ги қарори қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 январдаги **"Адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланганликнинг айрим турлари учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари тўғрисида"**ги 10-сонли қарорида, асарлар оммавий ижро этилганлиги учун тўланадиган муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари, асарлар овозли ёзувда такрорланганлиги, овозли ёзувлар ва аудиовизуал асарлар нусхалари прокатга берилганлиги учун тўланадиган муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари, тасвирий санъат асарлари такрорланганлиги ва декоратив-амалий санъат асарлари нусхалари саноатда кўпайтирилганлиги учун тўланадиган муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари белгилаб берилиши билан бир вақтда, **Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш Республика агентлигига** уларнинг мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар функцияларини бажариш ваколатини ҳам берди.

Фан, адабиёт, санъат асарлари ва уларнинг муаллифлари ҳамда турдош ҳуқуқларнинг субъект ва объектлар рўйхатини ишлаб чиқиш бўйича агентликда ягона электрон маълумотлар базаси яратилиб, унга ҳозиргача 1490 нафар муаллифнинг 16420 та асарлари тўғрисидаги маълумотлар киритилган.

Қисқаси, олиб борилаётган барча ишлар муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Иброҳим АМАНБАЕВ,
Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш Республика агентлиги бош директори ўринбосари в.б.

Шахсий фикр

Меҳнат шартномаси

Уни тарафларнинг келишувига кўра қандай шаклда бекор қилиш мумкин?

МЕҲНАТ кодексида меҳнат шартномасининг ҳар қандай турини тарафларнинг келишувига кўра бекор қилиш мумкинлиги белгиланган.

РЕСПУБЛИКА Олий суди пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги қарорида судлар меҳнатга оид низоларни ҳал этишда тарафлар келишувига кўра (МК 97-моддаси, 1-банди) меҳнат шартномаларининг барча турларини ва уларнинг ҳар қандай вақтда бекор қилиниши мумкинлигини эътиборга олишлари кераклиги таъкидланган.

Ушбу қоидада баъзи бир истиснолар ҳам мавжудки, уларни билмаслик ва нотўғри қўллаш меҳнат шартномаларини бекор қилишнинг ҳуқуқий асослари ва тартибини бузиш ҳолатига олиб келади.

Шуни қайд қилиш керакки, суд ҳукми асосида жиноий жазо сифатида тайинланган ахлоқ тузатиш ишларида ҳам фуқаро меҳнат шартномаси тузади, лекин уни ўзгартириш ва бекор қилиш масаласини унинг ўзи эркин равишда ҳал эта олмайди. Агар иш берувчи ўз билганича, тегишлича суд қарорисиз меҳнат шартномасини ходим билан келишиб бекор қилса, бу ҳолат ғайриқонуний деб топилади.

Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш учун фақат унинг тегишли ёзма аризаси кўринишида ифодаланган истагининг ўзи етарлидир. Тегишли огоҳлантириш муддати ўтганидан кейин иш берувчи, унинг ўзи бунга рози-рози эмаслигидан қатъи назар, ходимнинг илтимосини қаноатлантириши ва у билан меҳнатга оид муносабатларни Меҳнат кодексининг 99-моддасига кўра бекор қилиши лозим.

Меҳнат шартномасини тарафларнинг келишувига кўра (МК 97-моддаси, 1-банди) бекор қилиш эса фақат ходим ҳам, иш берувчи ҳам тегишли шартлашувга эришганларидагина мумкин бўлади. Тарафлар мазкур асос бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида келишувга олиб келган сабаблар аҳамиятга эга эмас. Унинг бекор қилинишидаги асосий шарт - бу келишув ихтиёрий бўлиши ва ҳам ходим, ҳам иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор қилишга бўлган ҳақиқий истагини акс эттириши керак.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тарафларнинг ушбу асос бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги келишувига қандай шаклда эришиши мумкинлиги аниқ белгиланишига эҳтиёж бор. Шу боис, Меҳнат кодексига илова тарзида меҳнат муносабатларини расмийлаштиришга оид ҳужжатларнинг намуналари ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Айнан ушбу асос бўйича ёзма шаклдаги келишувда ходимнинг ўз хоҳиши билан келишаётганлигини тасдиқлаш учун ходимларнинг вакиллик органларини ҳам жалб қилиш бу жараёнда аниқликни таъминлашда кўмак беради, деб ўйлаймиз.

Маҳфуза НОРОВА,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Инсон, жамият, ҳуқуқ

Ажаб

Ер участкасига эгалик қилиш бировнинг уйини тортиб олиш дегани эмас...

АСЛИДА, бўлиб ўтган бу воқеа роса ғалати-да: бир киши бошқа бировдан унинг 30 йил эгалигида бўлган дала-ҳовли — уйини сотиб олган. Учинчи бир одам дала ҳовлининг дарвозаси қулфини бузиб кириб, бамайлихотир бу уйда яшаяпти. Нима эмиш, "Геолог" боғдорчилик-узумчилик ширкати (СВТ) бошқаруви уйни сотиб олган одамни СВТга аъзо қилишни рад этиб, уй эшигини бузиб кирган одамни аъзо қилганмиш. Шунинг учун ер участкасида жойлашган уй ҳам (уй ичидаги жиҳозлари билан бирга) бу одамники бўлган эмиш!

ОЛ-А, мухбир роса опқочди-ку, деяпсизми? Шошилманг, буниси ҳали ҳолва. Айтишингиз мумкин — ҳаётда бўлиб туради-да, бир адашган зўравон бу ишни қилса қилгандир, СВТнинг раиси бор, бошқаруви бор, уларга айтса ўша кириб олган одамни уйдан чиқариб юборади-ку. Жуда бўлмаса, судга мурожаат қилса, олам гулистон, ҳаммаси қонуний ҳал бўлади. Зўравон СВТга аъзо бўлса, қуруқ ер майдонини олиш ҳуқуқига эга, бировнинг 30 йил эгаллаб турган беш хонали уйини текинга олиш ҳуқуқига эга бўлмайди-ку!

Яшанг, ҳурматли газетхон, жуда тўғри фикр юритяпсиз. Фақат бир жойдагина хато ўйладингиз — судга мурожаат масаласида.

Гап шундаки, уйни нақд пулга сотиб олган янги соҳиби фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилган экан, суд даъвони рад этиб, зўравоннинг ширкатга аъзо бўлишини қонуний деб топибди. Ҳал қилув қарорида эса зўравон эгаллаб олган уй ҳақида бир оғиз гап йўқ.

Ана энди, ҳужжатлар асосида бир бошдан: Қибрай туманидаги "Геолог" боғдорчилик-узумчилик ширкати ташкил этилганига бир неча ўн йиллар бўлган. Любовь Азимованинг эри М.Азимов 1977 йилда бу ширкатга аъзо бўлган, уй қуришган. Эрининг вафотидан сўнг кампир ёлғиз ўзи дала-ҳовлига қатнаёлмагани учун уни шаҳардаги қўшниси Наргиза Мирзаевага 2007 йил ёзда сотди. Бундан "Геолог" ширкати раиси А.Араповни хабардор қилишди, у розилик берди, ширкат бошқаруви котиби Н.Дудова 2007 йил 15 июнда Н.Мирзаевадан ширкат аъзолигига кириш тўғрисида ариза ёздириб, 153 минг сўм аъзолик бадалини олди.

Н.Мирзаева жазирама иссиқ кунлари баҳаво, соя-салқин жойда дала-ҳовлилик бўлганидан хурсанд: ёзда яшаш учун керак бўладиган мебель жиҳозлари, музлатгич, телевизор, газ плита келтирди, эри ва болалари билан мамнун яшай бошлашди. Бироқ, аъзолик ҳужжатларини 10 кунда тайёрлаб бераман, деган раис, дабдурустдан қизиқ гап айтди: Л.Азимова эгаллаб келган 35-дала-ҳовли ер участкасининг чегараси қачонлардир қўшни 36-дала-ҳовли чегараси ичига 1,5 сотих сурилганмиш, шу муносабат билан янги чегара белгилаб олиниши керакмиш!

Бу билан раис икки аъзо ўртасидаги "адолатсизлик"ни бартараф этиб, "оқсоқол" ролини бажармоқчи бўлмаган. Гап шундаки, 35-дала-ҳовли раис А.Араповнинг отасига қарашли. Ва унинг ер участкаси... 9,2 сотиҳдан иборат! Ҳолбуки, республика ҳукуматининг ҳозир ҳам амалда бўлган қарорига биноан, дала-ҳовли ер участкаси 6 сотиҳдан ошмаслиги керак. Илгари 36-участка ҳам 6 сотих бўлган, кейинроқ А.Арапов 2001 йилда ушбу СВТ раиси этиб сайлангандан кейин, унинг ери канал ёқасидан қўшиб олиш ҳисобига 9,2 сотихга етган. Бу ҳам етмагандай, қўшни 35-дала-ҳовлининг қонуний 6 сотих ерининг 1,5 сотихига "даъвогарлик" қилаяпти. Ҳолбуки, Л.Азимованинг суддаги оғзаки ва ёзма кўрсатмасига кўра, 30 йил мобайнида бу чегара сурилган — ўзгарган эмас, агар ўзгарган бўлса, Арапов шу пайтгача бу масалани, албатта, кўтарган бўлар эди...

— Аслида "чегара сурилган" деган гап бир баҳона, — дейди Н.Мирзаева, — сабаб бошқа ёқда: раис бу ҳовлини ўзининг таниши Б.Ариповга 2 минг долларга сотишни таклиф қилган экан, Л.Азимова арзон деб, сотмаган. Бизга 3,5 минг долларга сотди. Биз дала-ҳовлидан бир йилга яқин — 2008 йил майгача фойдаландик, яшадик. Раис эса ҳужжатларни тайёрлаб бермади. Биз бу ҳақда туман ички ишлар бўлимига ва прокуратурасига ёзганимиздан кейин, у биратўла тўнини тескари кийиб олди. Охири судга мурожаат қилдик.

Судгача эса... фуқаро Б.Арипов "Геолог" СВТ аъзолигига қабул қилинган ва... 36-дала-ҳовли дарвозаси ҳамда уй эшиги қулфларини бузиб кириб, эгаллаб олган. Н.Мирзаева оиласи 2008 йилнинг май ойида дала-ҳовлига келишса — қулфлар бошқа. Бузмоқчи бўлишган эди, қоровул "бу энди сизларники эмас!" дея ҳай-ҳайлаб қолди. Ё тавба! (?) Шу бўйи, ҳозиргача, раис А.Араповнинг "таниши" Б.Арипов бировнинг уйини ичидаги жиҳозлари билан эгаллаб ўтирибди. Ва бу, қонуний эмиш. Суднинг ҳал қилув қарорида шундай дейилган!

Уйнинг 30 йиллик эгаси Л.Азимова эса уни Н.Мирзаевага сотганман, агар уни СВТ аъзолигига қабул қилмасанглар, мен ўзим қайтиб аъзо бўламан. Мирзаевадан бошқа одамга сотмайман, деяпти. Арапов майли-ку, суд ҳам уни "эътиборга олмаяпти". Қизиқ, наҳот, Арапов билан суд ўртасида фарқ бўлмаса?

Н.Мирзаева судга "Геолог" СВТ бошқаруви уни аъзоликка қабул қилишни рад этиш ҳамда Б.Ариповни аъзоликка қабул қилиш тўғрисидаги қарорларини бекор қилиш ва маънавий зарар ундиришни сўраб, даъво ариза киритган эди. Гарчи, бу иккала қарор учун СВТ бошқарувида бирон бир мантиқли асослар йўқ бўлса-да, суд даъвони тўлалигича рад этди. Рад этишга ҳам асос керак-ку! Суд бу "асосни" топибди: Н.Мирзаеванинг туман ички ишлар бўлимига, туман прокуратурасига қилган мурожаатлари бўйича ҳеч қандай ноқонуний хатти-ҳаракат аниқланмаганлиги учун суд ҳам даъвони рад этибди. Судья Н.Абдураҳмонова раислик қилган суд чиқарган ҳал қилув қарорида шундай ёзилган.

Қизиқ, фуқаролик ишлари бўйича суд қачондан буён ИИБ ва прокуратуранинг фуқаро аризасига "бу ерда жиноят аломати йўқ, шунинг учун бу биз шуғулланадиган иш эмас", деган жавобини асос қилиб, ҳал қилув қарори чиқарадиган бўлиб қолган?

Бундан ҳам қизиғи, 2009 йил 8 январда чиқарилган бу ҳал қилув қарори фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2009 йил 25 февралдаги ажрими билан "ўзгаришсиз" қолдирилди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: хўш, кимни аъзоликка қабул қилишқилмаслик ва кимга ер участкаси ажратиш-ажратмаслик СВТ бошқарувининг ихтиёрида экани тўғри, СВТ Низомида шундай ёзилган. Бироқ ана шу ер участкасига 30 йил олдин қурилган 5 хонали уй ўзганинг хусусий мулки-ку! Бу мулк — фуқаронинг уй-жой дахлсизлиги мамлакат бош Қонуни — Конституцияда кафолатланган-ку! Бу оддий ҳақиқатни балки, борингки маҳалла даражасида ҳам эслатиш-таъкидлаш ўринли бўлар.

Бироқ, суд даражасида... ўринлимикин?

"Геолог" СВТ раиси А.Араповнинг 6 сотих ўрнига 9,2 сотих ер участкасини эгаллаб олганлиги, унинг таниши Б.Арипов ўзганинг дала-ҳовлиси дарвозаси ва уйининг қулфларини бузиб, уйни эгаллаб ўтириши, юмшоқ айтганда ноқонуний эмасми?!

Раис А.Араповнинг суддаги кўрсатмасига кўра, Б.Арипов "СВТнинг розилиги билан 36-дала-ҳовлининг қулфларини ўзгартирибди". Қизиқ, раис жаноблари раислик ваколатини чегарадан чиқариб юбормадилармикин: бировнинг хусусий мулки — уйининг қулфларини бузишга рухсат бериш ваколати Низомнинг қайси бандида ёзилган?

Фуқаро Б.Ариповнинг СВТга аъзо бўлиши эса, унга бировнинг беш хонали ғиштин уйини зўравонларча эгаллаб олиш ҳуқуқини бермайди-ку!

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ,
журналист

1 2 3 4

Табиат инсон ҳукмронлигини ёқтирмайди

Экологик хавф бизни ҳамиша огоҳликка, сергакликка ундамоқда

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Айниқса, глобал исиш, иқлим ўзгариши, жаҳон ҳамжамиятини жиддий хавотирга солмоқда. Мутахассислар фикрича, глобал исиш натижасида океанлардаги сув сатҳи йил сайин кўтарилмоқда. Сўнгги 40 йил ичида океанлардаги ҳароратнинг ортиши кутилганидан 50 фоиз тезроқ юз бераяпти.

Бундан ҳам хавфлироғи, глобал исиш туфайли Гренландия ва Антарктидадаги муз қоялари эриб кетаяпти. Она сайёрамиздаги музликларнинг 10 фоизи Гренландияда бўлиб, улар йилига ўртача 200-300 километр куб атрофида қисқариб бораяпти. Ундаги музлар батамом эриб битса океандаги сув сатҳи 7 метргача кўтарилиши тахмин қилинмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, океандаги сув сатҳи 1 метр кўтарилгудек бўлса ер юзидаги 600 миллион киши истиқомат қилади-ган ҳудуд хавф остида қолади. Бундай таҳликали вазиятнинг олдини олиш учун барча мамлакатлар баҳамжиҳатликда амалий чоралар кўришса, мақсадга мувофиқ бўларди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, **"Халқаро ҳамжамият инсоннинг нафақат яшаш ҳуқуқи, балки тўлақонли ва соғлом турмуш кечириши учун зарур мўътадил атроф-муҳит шароитларига ҳам эга бўлган ҳуқуқларининг муқаддас ва дахлсизлигини аллақачонлар эътироф этган. Экологик хавфсизлик кишилик жамиятининг бугуни ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим муаммолар жумласига киради".**

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича муҳим ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Жумладан, экологик хавфсизликни таъминлашда муҳим стратегик йўналишлар белгилаб олинди. Бу устувор йўналишнинг 13-бандига алоҳида эътибор қаратиш жоиз: **"Аҳолининг экологик таълим-тарбия ва маданият тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш. Жамиятнинг экологик маданиятини ошириш, мутахассисларни профессионал тайёрлаш мақсадларида, экологик комплекс давлат дастури асосида, умумий комплекс ва узлуксиз экологик таълим-тарбия тизими ўрнатилади".**

Ҳа, она табиатни асраш — ўз уйимиз, ўз оиламиз, ўз келажагимизни асраш билан баробар. Бу барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз...

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

СЎЗИМИЗНИНГ АВВАЛИДА айтиб қўя қолайлик: Ушбу мақоламизда хорижий кинофильмлар ва сериалларнинг бадиий савияси ёки режиссураси ҳақида мулоҳаза юритиш фикридан йироқмиз. Бироқ, уларнинг миллатимиз маънавияти ва ёшларимиз тарбиясига таъсири борасида айрим жиҳатларга эътибор қаратишни лозим топдик.

Б обосини илмаган олалар

Жумонг... Пўлат Аламдар... ва ўзимизнинг Отабек

Бугун: Маънавиятимиз муаммолари

Жумонгнинг камони...

Шубҳасиз, "Жумонг" кореялик киноижодкорлар томонидан яратилган мақтовга лойиқ тарихий фильм. "Сарой жавоҳири", "Сўнгги қиролича", "Денгиз ҳукмдори", "Шаҳзоданинг қўшиғи" сингари қатор корейс телесериаллари каби ушбу сериал ҳам ўзбек томошабинини телевизор қаршисига "михлаб" қўя олди. Албатта, бу "михланиш"нинг ўзига хос сабаб ва оқибатлари ҳам мавжуд.

Бу сабабларнинг биринчиси, шубҳасиз, корейс киноижодкорлари ўзлари яратаётган ҳар бир фильмга корейс миллатининг тарихий урф-одатлари, қадриятлари, миллатдошларининг ўз ватанига муҳаббати-ю, садоқатини жуда юқори оҳангда тараннум этганликларидадир. Бу оҳанг ўз навбатида ҳар қандай томошабинни жасоратга, қандайдир қаҳрамонлик қилишга, ўз ватанини севишга ундайди. Бу яхши, албатта.

Иккинчи сабаб эса, корейс киноижодкорлари ҳар бир фильмда, у жангари бўладими ёки тарихийми, албатта, томошабинга гўзал бир муҳаббат қиссасини тақдим этишади. Муҳаббат қиссалари шу даражада маҳорат билан қуйланадики, томошабин беихтиёр воқеалар ривожига қўшилиб кетади ва ўзи билиб-билмаган ҳолда сериалнинг давомини кута бошлайди. Демакки, ғайриихтиёрий равишда унинг асирига айланади.

Балки, бу ҳам ёмон ҳолат эмасдир.

Лекин яна бир, учинчи сабаб ҳам мавжудки, айнан шу ҳолат бизни ўйлантиради: тан олиш керак, истаймизми ёки йўқми, ушбу сериалларни сиз-у биз, яъни катталар билан биргаликда ўсмир ёшидаги фарзандларимиз ҳам томоша қилишади. Албатта, кўраётган сериалидан қандай хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига, яъни ҳар бир шахснинг тафаккури, дунёқараши ва тарбиясига боғлиқ.

Келинг, ана шу нуқтаи назардан туриб, ўзимизга яна бир савол бериб кўрайлик.

Хўш, ушбу сериаллар ёш томошабинларга нима бераяпти? Фарзандларимиз улардан нималарни ўрганиб, қандай хулоса чиқаришаяпти? Бу сериаллар уларнинг маънавияти, мафкураси, тарбиясига салбий таъсир кўрсатаяптими ёки ижобий?..

Саволларга жавоб топиш учун узоққа бормасдан, телевидиниеда "Жумонг" телесериали намойиш этилган вақтга қайтайлик. Ўшанда маҳаллага ораласангиз, катта-кичик болалар қўлида қўлбола камон, пешонасига онаси ёки опасининг рўмолидан кесиб олинган бир парча лахтакни боғлаб, ўзаро "жанг" қилишаётган бўларди.

Энди масаланинг бошқа, яна-да қалтисроқ жиҳатини олиб кўрайлик. Ҳали вояга етмаган ҳаваскор "камонбоз"ларимиздан қанчасининг кўзи-ю, яна қанчасининг бошқа жойи жароҳат емади, дейсиз. Биз эса буларнинг барини кўра-била туриб, на камон савдосини тўхтатдик ва на сериал томошасини. Чунки биз учун фарзандларимиз тақдиридан кўра, Жумонгнинг тақдири қизиқроқ эди...

Шунинг учун бўлса керак, ҳали ҳамон жангари фильмларни "берилиб" томоша қилаяпмиз.

Пўлат Аламдарнинг "ҳақиқат"и...

Яқиндагина НТТ телеканалида намойиши якунланган, турк киноижодкорлари томонидан яратилган "Қашқирлар макони" телесериали ҳам ўзбек томошабинларини бефарқ қолдирмади. Тўғрисини айтиш керак, камина ҳам ушбу фильмни охиригача кўрдим. Хорижий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, ушбу сериал эфирга узатилгач, Туркияда туғилаётган ҳар беш ўғил чақалоқдан бирига Пўлат ёки Жонпўлат исми қўйилган экан. Сир эмаски, Пўлат Аламдар кўпчилик ўзбек томошабинларининг ҳам "идеал"ига айланди.

Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун бир мисол келтирайлик. Бугун мобиль телефонидан фойдаланувчи ҳар ўн нафар фуқаронинг камида беш нафари телефон чақируви ўрнига "Қашқирлар макони" сериалининг мусиқасини ўрнатган. Экранда ҳам, албатта, Пўлат Аламдарнинг салобатли тасвири... Афсуски, катта ёшдаги, ҳатто, зиёлиларимизнинг телефонлари ҳам Жонпўлатнинг мусиқасини "куйлаяпти"...

Масаланинг яна бир жиҳати борки, бу энди сиз-у биздан анча жиддийроқ бош қотиришни талаб қилади.

Хўш, сизнингча ўсиб келаётган ёш авлод "Қашқирлар макони" сериали қаҳрамонларидан нималарни ўрганади?

Худди шу савол билан бир қатор танишларимизга мурожаат қилдик. Уларнинг жавобларига кўра, сериал қаҳрамонлари ёшларимизга жасурликни, мардликни, фидойиликни, миллатпарварликни ва энг асосийси, ўзаро садоқатни ўргатар экан.

Биз эса бу фикрларга қўшилмадик.

Чунки, биринчидан, Пўлат Аламдарнинг "ҳақиқати" бизга тўғри келмайди. Бундай дейишимизга сабаб, сериал қаҳрамонлари жаҳолатга қарши маърифат билан эмас, аксинча, жаҳолат билан курашадилар. Яъни отадилар, сўядилар, қурол ўқталадилар. Айтмоқчи бўлганимиз, кучни адолатдан эмас, адолатни кучдан қидирадилар. Бу эса ўз навбатида томошабинни қонун асосида эмас, қонундан ташқари, яъни уюшган жиноятчилик тузилмаси орқали ҳақиқатни қарор топтириш осонроқ кечар экан, деган хулосага етаклайди.

Иккинчидан, ва энг асосийси, сериалда қатнашган барча махсус хизмат ходимлари бир жумлани қайта-қайта ишлатишади. Яъни улар сериал давомида "Мен давлатман", дейишдан чарчашмайди. Қолаверса, улар ўз қўл остидаги ходимлари бўйнига хоҳлашса "сиртмоқ", хоҳлашса "медаль" илиш ваколатлари борлигини ҳам очиқ-ойдин шаъма қилаверишади...

Бизнинг назаримизда эса давлат, бу — қонун! Қонун эса давлат, демакдир. Бундай дейишимизга сабаб, бизнинг жамиятимизда ёш авлодга ҳуқуқий демократик давлатнинг пойдевори ҳам, устуни ҳам, томи ҳам ҚОНУН, деб ўқитилади ва мамлакат шу тамойил асосида тараққий топади.

Шундай экан...

Келинг, яхшиси бу борада хулоса чиқаришни муҳтарам ўқувчимизнинг ўзига қолдирайлик.

Илло, хорижий серималларнинг ҳаммаси "ёмон", бундай фильмлар ёки телесериалларни кўрмаслик керак, деган фикрдан йироқмиз. Улар орасида ҳам кўришга, ибрат олишга арзигулик фильмлар кўп. Масалан, Мэлл Гибсоннинг "Шерюрак" фильмини ёдга олинг. Фильм ғояси — озодлик! Фильм қаҳрамони ўз ҳаётини, муҳаббатини, агар шоирона айтадиган бўлсак, икки дунёсини биргина ғоя – озодлик ғояси йўлида қурбон қилади. Унинг энг сўнгги сўзи — илтижоси ҳам ОЗОДЛИК! Бу фильмни қайта-қайта кўрсангиз ҳам зерикмайсиз ва ҳар гал ўзингиз учун бир янгилик топасиз. Фильм ижодкорлари айтмоқчи, "Нақадар тотли сўз, озодлик!"

Албатта, биз бирор-бир томошабинга у ё бу фильмни кўриш ёки кўрмаслик керак, демоқчи эмасмиз. Ихтиёр ҳар кимнинг ўзида. Лекин нимани кўриш ёки кўрмасликни ажрата олсак, фарзандларимиз келажаги учун ёмон бўлмасди, деган мулоҳазани айтаяпмиз, холос.

Ва Отабекнинг ўгити

Ва ниҳоят, ўзбек фильмлари ва сериаллари ҳақида икки оғиз. Бундан йигирма-ўттиз йил муқаддам биз тенгиларнинг севимли қаҳрамонимиз "Ўткан кунлар"нинг Отабеги эди ва ишонч билан айтаманки, ҳозир ҳам кўпчилик ундан ўрнак олса ёмон бўлмасди. Сарлавҳани ўқий туриб, "Отабек бизга қандай ўгит берган экан", деган хаёлга борманг. Чунки "Ўткан кунлар" фильмида ҳам, китобида ҳам Отабек образи бошдан оёқ — у адолат курашчиси сифатидами, ватанпарварлик ёки садоқат борасидами, ота-онага ҳурмат ёки севги-муҳаббатга фидойилик бобидами, хуллас, барча-барча соҳада сиз-у бизга ибрат бўлади. Тили билан ёки қўли билан эмас, аксинча, хатти-ҳаракати билан ўгит беради. Фақат бу ўгитни оладиганлар ва олмайдиганлар бор орамизда.

Афсуски, "Ўткан кунлар" ва унга тенглашадиган фильмларимиз жуда кам. Бугун олинаётган кўплаб телесериалларимиз маиший мавзудан нарига ўтолмаяпти. Қайнона-келин, қуда-анда, ака-ука ёки опа-сингил "муаммо"си орасида қолиб кетаяпмиз. Тарихий фильмларимиз эса...

Тўғриси, киноижодкорларимизга тош отиш ниятимиз йўқ эди. Лекин ўрни келганда айтмасак ҳам бўлмайди. Ахир, Соҳибқирон Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик... ва яна бошқа юзлаб, минглаб ватанпарвар, фидойи аждодларимиз ҳақида қачон дунёга кўрсатишга арзигулик фильмлар ишлаймиз. Биз бу ўринда тарихга махлиёлик ёки ўтмиш билан мақтаниш, уларнинг қаҳрамонликларини бировларга кўз-кўзлаш хусусида эмас, аксинча, фарзандларимизда боболаримиздан фахрланиш, улардан ватанпарварлик, фидойиликни ўрганиш хусусида фикр юритаяпмиз.

Яна бир гап. Кўпчилик хориж телесериаллари ёки фильмларини танқид қилганда, ҳамма айбни телевидение зиммасига ағдариб қўя қолади. Гўёки, телевидение ана шу фильмларни намойиш қилмаса, олам гулистон бўладигандек. Бизнинг фикримизча, бундай эмас. Ахир, ҳамма ёқни интернетдан тортиб, DVD дисклари босиб ётган техника асрида хорижий фильмларни тақиқлаб, бўлармиди?! "Талаб бор жойда таклиф бўлади", дейишади. Шу гапда жон бор. Томошабинда талаб бор эканки, "Жумонг" "Қашқирлар макони" ёки "Шаҳзоданинг қўшиғи"ни томоша қилаяпти. Демак, ана шу талабнинг ўрнини тўлдирадиган таклиф керак. Ўзбек томошабини ва киноижодкорлари ўртасида кўзга кўринмас бўшлиқ пайдо бўлган.

Хулоса ўрнида айтмоқчи бўлганимиз, пайдо бўлган бўшлиқнинг ўрнини ўз фильмларимиз билан тўлдирадиган вақт келган. Қолаверса, кино ижодкорларимиз ҳамёнбоп эмас, аксинча, ҳаммабоп фильмлар ишлаш ҳақида бош қотиришса, ёмон бўлмасди.

Илло, бугун боболарини билмай ўсаётган авлод эртага ким бўлиб улғаяди. Ва кимларга эргашади, деган саволга ҳам жавоб излаб кўришимиз керак, шекилли?

Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай, азиз ўқувчи?

Ислом ҲАМРО,
"Инсон ва қонун" мухбири

Фаолият

"Кўҳинур"нинг кафолати

сифатли, арзон, пишиқ қурилиш маҳсулотларида ўз аксини топмоқда

МАМЛАКАТИМИЗДА тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши, тадбиркорларнинг фаолияти давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, бу соҳа вакилларидан янада самарали меҳнат қилишларини талаб қилади.

ХУСУСАН, Жиззах шаҳридаги "Кўҳинур" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси бугунги кунда халқимизга сифатли қурилиш ашёларини етказиб берувчи корхоналардан биридир. Харидорларнинг фикрича, "Кўҳинур"нинг шиферлари пишиқ ва сифатли. Бекобод-у Оҳангаронинг шиферларидан қолишмайди.

Нархи ҳам бозордагидан анча арзон.

"Кўҳинур"да чиқарилаётган шиферлар ҳақиқатан ҳам харидоргирлиги билан ажралиб туради.

Халқимизга кўнгилдагидек маҳсулотлар етказиб бераётган хусусий корхона йилига 500-600 минг дона шифер ишлаб чиқариш қувватига эга.

— Ҳар бир касбнинг ҳам ўз машаққатлари бўлиши табиий. Орзу-истак, эзгу ният йўлидаги меҳнат эса кишини тоблайди. Меҳнатнинг самарасини кўриш, одамларга ёрдаминг тегаётганлигини ҳис қилиш ўз ишингдан қониқиш уйғотади. Янги режалар, ажойиб орзулар пайдо қилади. Дастлаб фаолиятимни қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан бошлаган бўлсам, мана, уч йилдирки қурилиш соҳасида ишлаб келяпман. Фаолиятимни бошлаган вақтларимда яқинларим бу ишнинг меҳнати жуда оғир, машаққатли эканлигини, аёлларбоп соҳанинг бошидан тутсангиз яхшироқ бўлади, деб маслаҳатлар беришганди. Аммо инсондаги шижоат ҳар қандай машаққатли ишларни ҳам бажаришга имкон берар экан.

Корхона фаолиятини ривожлантириш учун банкдан етмиш миллион сўм кредит олдик. Ишлаб чиқариш соҳаси юқорида айтганимдек, осон эмас экан. Лекин барча қийинчиликларни меҳнатимиз эвазига енгиб ўтдик. Ҳозирда корхонамизда 80 нафар ишчи меҳнат қилади. Маҳсулотларимиз харидоргирлигидан барчамиз мамнунмиз. Шаҳару қишлоқларимиз бизнинг маҳсулотларимиз билан обод бўлаётганлигидан бошимиз осмонда, — дейди корхона раҳбари Холисхон Бобоева.

Ниятимиз ягона: юртимизда янги-янги замонавий бинолар қад ростлайверсин.

Гулчеҳра ШАРИПОВА,
журналист

ЭЪЛОН!

Тошкент вилояти ҳудудида доимий рўйхатда турувчи адвокатлар томонидан малака имтиҳонини қайта топшириш учун ҳужжатларни Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 190-уй — Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига зудлик билан тақдим қилишингиз сўралади.

Малака имтиҳонини қайта топшириш учун зарур бўлган ҳужжатлар:

Малака имтиҳонини топшириш тўғрисида ариза;

Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг нусхаси;

Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

Талабгор тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган шахсий варақа;

3х4 см. ҳажмдаги (сўнгги 12 ой ичида олинган) 2 дона рангли фотосурат.

Маълумот учун телефон: 288-51-19

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2009 йил 27 март кунги №3-сонли ҳайъат қарорига асосан Самарқанд шаҳридаги «ГУЛОМ-Ш», «НАЖОТ» ва Жомбой туманидаги «МУСЛИМБЕК» адвокатлик фирмалари ҳамда Самарқанд шаҳридаги «РАҲИМ» ва «ПАРИТЕТ» адвокатлик бюролари тугатилиб, давлат рўйхатидан чиқарилди.

Навоий вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича Малака комиссиясининг 2009 йил 3 апрелдаги 5/1-қарорига асосан Учқудуқ тумани давлат нотариал идораси давлат нотариуси М.Набиеванинг Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан 2000 йил 19 майда берилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи NV 000032 рақамли лицензиясининг амал қилиши бир ой муддатга тўхтатилди.

Бухоро вилояти адлия бошқармаси жамоаси узоқ йиллар шу тизимда самарали фаолият кўрсатган адлия фахрийси **Мамлакатой Мардонова**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси жамоаси палатанинг Бош ҳисобчиси Тоҳир Муратовга падари бузруквори **Йўлдош ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ЭЪЛОН!

Тошкент вилояти адлия бошқармаси Ўртачирчиқ давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.
7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.

Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси телефонлари: 253-84-30, 280-51-03

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўриятон Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимбергановича
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-315. Тиражи — 19910. Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 18.00 [t] — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50
e-mail: inson_va_qonun@mail.ru